




9


2021
SENTABR

VETERINARIYA MEDITSINASI



TIBBIYOT INSONNI,
VETERINARIYA INSONIYATNI ASRAYDI

– Dunё miqёsida biror мамлакат йўқки, 30 йил ичида шу қадар улкан узғаришларни қўлга киритган бўлсин. Энг муҳим янаиликлардан бири ветеринария ва чорвачилик тизимининг алоҳида давлат қўмитасига айлантирилгани. Президент томонидан бу соҳага катта эътибор қаратилиб, камбағаллик илдизига болта урилиб, аҳоли фаровонлигини таъминлаш бош мақсадга айлангандир. Биз тадбиркорлар эса худди давлат рақбари сингари маҳаллий ҳокимликлар кумак бериб туришса, нафақат ички бозорни, балки экспортни ҳам оширган ҳолда меҳнат қилаверамиз. Ватанпарварлик дегани аслида мана шу – фидойи бўлишдир, – дейди 4ш булсада жорий йил экспорт ҳажмини утган йилгадек 1 миллион 210 минг эмас, балки 2 миллион АҚШ доллариға етказишни, Ўзбекистон туманидаги 250 дан ортиқ қишлоқ аёлларияу ёшларни янги иш уринлари билан таъминлашни кузлатган чорвадор фермер Хайрулла Ҳабидуллаев.



Таҳрир ҳайъати:

Ж.Азимов – ЎзР ФА академиги
 А.И.Ятусевич – РФА академиги
 Э.Д.Джавадов – РФА академиги
 Я.А.Юлдашбаев – РФА академиги
 Д.А.Девришов – РФА мухбир аъзоси
 Б.Норқобилов – *Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш давлат қўмитаси раиси*
 Х. Юнусов – СамВМИ ректори, б.ф.д., профессор
 А.Орипов – профессор
 Ҳ.Салимов – профессор
 А.Даминов – профессор
 Р.Давлатов – профессор
 Қ.Норбоев – профессор
 Б.Б.Бакиров – профессор
 Н.Дилмуродов – профессор
 Ш.Джаббаров – в.ф.д.
 Б.Элмуродов – в.ф.д.
 Н.Йўлдошев – в.ф.д.
 Х.Ниёзов – в.ф.д.
 Б.Нарзиёв – в.ф.н., доцент
 Х.Бозоров – в.ф.н., доцент
 Р.Рўзиқулов – в.ф.н., доцент
 А.А.Белко – ВДВМА доценти
 Д.Н.Федотов – ВДВМА доценти

Бош муҳаррир вазифасини бажарувчи:

Абдунаби АЛИҚУЛОВ

Муҳаррир:

Дилшод Юлдашев

Дизайнер:

Хусан САФАРАЛИЕВ

Лойиҳа ташаббускори ва раҳбари:

Ўзбекистон Республикаси
 Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш давлат қўмитаси

Муассислар:

Ўзбекистон Республикаси
 Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш давлат қўмитаси,
 “AGROZOOVETSERVIS”
 масъулияти чекланган жамияти

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 2018 йил 2 февралда 0284-рақам билан рўйхатга олинган

Журнал 2007 йил сентябрдан чоп этилмоқда

Манзил: 100070, Тошкент шаҳри, Усмон Носир, 22.

Таҳририят манзили: 100022, Тошкент шаҳри, Қушбеги кўчаси, 22-уй

Тел.: 99 307-01-68,

Фақат телеграмм учун 97 770-22-35.

E-mail: zooveterinariya@mail.ru

Адади 3850.

Нашр индекси: 1162

Босишга рухсат этилди: 29.09.2021.

Бичими 60x84¹/₈. Офсет усулида чоп этилди. 4,25 б.т. Буюртма № .

Баҳоси келишилган нархда.

© Veterinariya meditsinasi, #09 (166) 2021

“ALDIN GROUP” МЧЖ

босмахонасида чоп этилди.

Олмазор кўчаси, 1-уй.

Бугуннинг нафаси

Н.Эргашев – Ташхислаш такомиллашмоқда 3

Одамларни рози қилиш – давр талаби

С.Алиқулов – Ишлайман деган баҳона қидирмайди 5

Долзарб мавзу

А.Х. Ҳушназаров – Қуёнчилиқни ривожлантириш давр талаби 7

Юқумли касалликлар

Х.А.Ҳамдамов, Ф.А.Худоёрова, У.К.Сатторов, Б.Х.Куватов – Ўзбекистонда ҳайвонлар бруцеллёзи диагностикасини олиб бориш талаблари..... 9

Х.А.Ҳамдамов, Ф.А.Худоёрова, У.К.Сатторов, Б.Х.Куватов, Ш.А.Рахматуллаев – Бруцеллёз касаллигининг олдини олиш ва унга қарши чора-тадбирларни ташкил этиш 12

Паразитар касалликлар

Х.Б.Юнусов, А.М.Вахидова, Г.Н.Худоярова – Эпидемиология и иммунный статус при эхинококкозе легких, осложненного пециломикозом..... 15

Н.Э.Юлдашов – Влияние химического состава и некоторых свойств почвы (пастбища) и воды на распространение гельминтозов 23

Ветеринария фармакологияси

К.И. Хидиров, Г. Дж. Кутлиева, Б. И. Тураева, Н. А. Элова
 Д. К. Нурмухамедова, Х. Ф. Камалова – Эффективность пробиотической кормовой добавки «probiokormuz» на биологические и физиологические показатели кроликов..... 25

Ветеринария-санитария

Х.Б.Юнусов, А.Гуиди, О.Э.Ачилов – Қорамол эхинококкозида мускул тўқимасининг биокимёвий ўзгаришлари 29

Бўри Салимов барҳайт

Х.Отабоев – Ҳавасли инсон армон қилмайди 33

Табрик

С.Алиқулов – Касбига садоқатли инсон 35

С.Эргашева – Тадбиркору ташаббускор ветврач 36

Editorial board:

J.Azimov – academic
A.I.Yatusevich – academic RAN
E.Dj.Djavodov – academic RAN
Y.A.Yuldashbayev – academic RAN
D.A.Devrshov – correspondent RAN
B.Norqobilov – State Committee of
Veterinary and Livestock
development of the
Republic of Uzbekistan
X. Yunusov – doctor of biology, professor
A.Oripov – professor
X.Salimov – professor
A.Daminov – professor
R.Davlatov – professor
Q.Norboev – professor
B.B.Bakirov – professor
N.Dilmurodov – professor
Sh.Djabbarov – doctor of veterinary
B.Elmuradov – doctor of veterinary
N.Yuldoshev – doctor of veterinary
X.Niyozov – doctor of veterinary
B.Narziev – doctor of veterinary
X.Bozorov – doctor of veterinary
R.Ruzikulov – doctor of veterinary
A.A.Belko – dotsent VDVMA
D.N.Fedotov – dotsent VDVMA

Acting Chief Editor:

Abdunabi ALIKULOV

Editors:

Dilshod YOLDOSHEV

Designer:

Husan SAFARALIYEV

Published since September 2007

Initiator and leader of the project:

State Committee of Veterinary and
Livestock development of the Republic of
Uzbekistan

Founders:

State Committee of Veterinary and Live-
stock development of the
Republic of Uzbekistan,
“AGROZOOVETSERVIS” Co., Ltd.

**Registered in Uzbekistan Press and
News agency by 0284**

Address: 22, Usmon Nosir, Tashkent,
100070. Editorial address: 4,

Kushbegi, 22
Tashkent, 100022
Tel.: 99 307-01-68,
97 770-22-35

Web-site: www.vetjurnal.uz

E-mail: zooveterinariya@mail.ru
circulation: 3850

Index: 1162

Permitted for print: 29.09.2021. Format
60x84 1/8. Printed by Offset printing 4,25
press works Order #414 Free price.
© “Veterinariya meditsinasi”, #09 (166) 2021

Printed by “ALDIN GROUP”
Co., Ltd., Tashkent city. 1, Olmazor str.

Today's sentiment

N.Ergashev – Improving diagnosis.....3

Delighting people is the duty of epoch

S.Alikulov – A hard worker doesn't not make excuse5

Challenging theme

A.H.Khushnazarov – The development of rabbit breeding is
demands of the time7

Contagious diseases

H.A.Hamdorov, F.A. Khudoyorova, U.K. Sattorov, B.H. Kuvatov –
Requirements for diagnosis of animal brucellosis in Uzbekistan9

**H.A.Khamdorov, F.A. Khudoyorova, U.K. Sattorov, B.H. Kuvatov,
Sh.A.Rakhmatullaev** – Prevention and control of brucellosis12

Parasitology

Kh.B.Yunusov, A.M. Vakhidova, G.N. Khudoyarova – Epidemiology
and immune status in pulmonary echinococcosis complicated by
paecilomycosis15

N.E. Yuldashov – Influence of the chemical composition and some
properties of soil (pasture) and water on the distribution of
helminthiasis23

Veterinary pharmacology

**K.I. Khidirov, G. J. Kutlieva, B. Turaeva, N.A. Elova,
DK Nurmukhamedova Kh. F. Kamalova** – Efficiency of probiotic
feed additive «probiokormuz» on biological and physiological
parameters of rabbits25

Veterinary-sanitation

H.B. Yunusov, A. Guidi, O.E. Achilov – Biochemical changes in muscle
tissue in bovine echinococcosis29

Buri Salimov is alive

Kh.Otaboev – An Enthusiastic person doesn't feel regret.....33

Congratulations

S. Alikulov – The man devoted to his profession.....35

S. Ergasheva – An enterprising veterinarian36

ТАШХИСЛАШ ТАКОМИЛЛАШМОҚДА

Кейинги йиллар чорвачилик тизимида наслчилик ишларининг такомиллашиши, хориждан юқори маҳсулдор қорамоллар олиб келиниши, сунъий уруғлантириш натижасида зотдор қорамоллар подаси яратилиши республикамызда сут ва гўшт ишлаб чиқаришни кўпайтириш, озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш имкониятларини кенгайтирмоқда. Албатта, мулкчиликнинг турли тизимларида, аҳоли ихтиёрида зотдор қорамолларнинг кўпайиб бориши ветеринария мутахассислари зиммасига катта масъулият юклаши тайин. Ҳайвонларда учрайдиган турли касалликларни ўз вақтида аниқлаш, тўғри ташхислаш мутахассисдан катта билим ва зукколикни талаб этади. Мутахассисларнинг эътироф этишича, фермадаги тозалик, тартиб-интизомга қатъий амал қилиш, ветеринария ходимларининг хушёрлигига қарамай, баъзан турли хасталиклар ҳайвонларни безовта қилмоқда. Айрим ҳолларда бу касаллик хусусиятларини аниқлаш қийин кечяпти. Чунки ҳайвонларда учрайдиган айрим касалликларнинг серотиплари жуда кўп, ана шуни аниқлаш, қарши кураш чораларини такомиллаштириш бугунги куннинг энг муҳим масаласидир. Демак, бир сўз билан айтганда, ветеринария тизимида ташхислашни такомиллаштириш жуда зарур.

Ўзбекистон Республикаси Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш давлат қўмитаси раисининг кўрсатмасига асосан республика ҳудудида эпизоотияга қарши амалга оширилаётган профилактик тадбирлар сифатини баҳолаш мақсадида оқсил касаллигига қарши эмланган ҳайвонларда иммунитет давомийлигини ўрганиш бўйича серомониторинг тадбирлари давом эттирилмоқда. Шу жумла-



дан, Республика ҳайвонлар касалликлари ташхиси ва озиқ-овқат маҳсулотлари хавфсизлиги Давлат марказида Ветеринария илмий-тадқиқоти институти изланувчиси М.Эранов ҳамда ҳудудий ташхис лаборатория мутахассислари (РДЛ) ҳамкорлигида иммунофермент таҳлиллари ўтказилди.

Натижада Қашқадарё, Фарғона, Тошкент ва Хоразм вилоятларида 2020-2021 йилларнинг қишки – баҳорги мавсумида оқсилга қарши 3 валентли эмлама билан эмланган қорамолларда иммунитет даражаси ва давомийлиги ўрганилди. Шу жумладан, оқсилнинг А, О, Осиё-1 серотипларига қарши пайдо бўлган иммунитет даражаси, аҳоли ва фермерларнинг ҳайвонлардаги иммунитет давомийлиги, ёшига нисбатан иммунитет фарқи ва бошқа омиллар ўзаро таққосланди ва таҳлил этилди. Бундан ташқари, ҳайвонлар қон зардобидида оқсилнинг А, О, Осиё-1 серотипларига қарши антителани аниқловчи ИФТ тўпламлари турли критериялар асосида ўзаро солиштирилди ва амалиётда таққосланди.

Мазкур лаборатория таҳлилларидан асосий мақсад олинган натижалар асосида келгусида республикамызда оқсилга қарши профилактик эмлаш тадбирларини режалаш, амалга ошириш, сифатини баҳолаш ва лаборатория таҳлилларини ўтказиш каби комплекс тадбирларни янада такомиллаштириш ва самарадорлигини оширишдан иборатдир.

Шунингдек, Республика ҳайвонлар касалликлари ташхиси ва озиқ-овқат маҳсулотлари хавф-





сизлиги давлат маркази директори Баҳриддин Тангяриқовнинг эътироф этишича, минтақавий ва мамлакат ичидаги эпизоотологик вазиятни доимий таҳлил ва мониторинг қилиш, мамлакатда зооаноз касалликлар тарқалиши ва эпизоотологик вазиятнинг ёмонлашиши тенденцияларини прогноз қилиш ҳозирги мураккаб замонда жуда долзарб саналади.

– Бутунжаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти маълумотларига кўра, дунё бўйича бир неча ўн минглаб одамлар айнан зооаноз касалликлар туфайли вафот этмоқда. Бундай вазиятда дунё миқёсида касалликларга тез ва аниқлик билан ташхис қўйиш бугунги кун талабидир, – дейди Баҳриддин Тангяриқов. – Ўзбекистон ҳудудига қўшни республикалардан турли юқумли касалликларнинг кириб келиши ва тарқалишининг олдини олишга қаратилган кечиктириб бўлмайдиган чоралар кўрилган. Бироқ инфекция чегара билмайди. Қушларнинг миграцияси ёки хориждан келтирилган ҳайвонлар ўзлари билан турли касалликларни олиб кириши мумкин. Хавфли эпизоотик ҳолатнинг олдини олиш ва биологик хавфсизликни таъминлаш ветеринария соҳасининг энг устувор вазифасидир.

Ҳайвонлар организмида кечаётган турли ўзгаришлар, патологик ҳолатлар ва уларнинг оқибати натижасида келиб чиқадиган салбий ўзгаришларни фақат ва фақат замонавий лаборатория ускуналари, ташхис тест тўпламлари кўмагида аниқлаш, ташхис қўйиш, шу асосда тегишли чоралар кўришга киришиш мумкин.

– Марказимизда илғор хорижий тажрибани қўллаш асосида ҳайвонлар касаллиги ўз вақтида ташхислашнинг замонавий ва самарали усуллари ишлаб чиқиш бўйича кўплаб ишлар амалга оширилмоқда, – деди лаборатория мудир А.Юсубахмедов. – Марказимизнинг ИФТ ва ПЗР лабораториясида ҳайвонлар юқумли касалликларининг иммунофермент таҳлили ва полимераза занжир реакцияси усуллари орқали ташхис қўйилади. Иммунофермент таҳлил орқали йирик ҳамда майда шохли

ҳайвонлар ва паррандалар касалликларига ташхис қўйиш билан бирга эмланган ҳайвонлардаги фаол иммунитет кўрсаткичлари ҳам аниқланади. Полимераза занжир реакцияси усули ёрдамида юқумли инфекциянинг ирсий молекуласини ўқиш орқали ҳайвонлар касалликларига яқуний тасдиқловчи ҳулоса берилади.

Шу билан биргаликда тезкор экспресс тест усули орқали ҳам ташхис қўйилади. Экспресс тест усулининг афзаллиги шундаки: биринчидан, ташхис қўйиш учун кам вақт кифоя (ўртача 10 дақиқа); иккинчидан ортиқча ишчи кучи талаб қилинмайди –



биргина ходим бу усулда ташхис қўя олади; учинчидан махсус лаборатория жиҳоз ва ускуналари талаб этилмайди; тўртинчидан бу усулда ҳайвонлар орасида скрининг ўтказиш қулай; бешинчидан ташхислашни фермага, далага бориб амалга ошириш мумкин; олтинчидан тадбиркору фермер хўжаликлари учун бу усул анча қулай ва ортиқча оворагарчилик келтириб чиқармайди.

Ташхислашнинг бу усули яқин келажакда кенг миқёсда қўлланади ва бунинг натижасида касаллик тезда аниқланиб, инфекция ўчоғи, касалликнинг тарқалиши буткул жиловланади. Айни чоғда республикамизнинг барча ташхислаш марказларидан навбатма-навбат келиб малака ошираётган мутахассисларга бу ерда амалга оширилаётган янгиликлар, энг сўнгги ташхислаш тамойиллари лаборатория шароитида ва амалий машғулотлар жараёнида атрофлича ўргатилмоқда.

Набижон Эргашев

ИШЛАЙМАН ДЕГАН БАҲОНА ҚИДИРМАЙДИ

Кейинги йилларда Наманган вилоятининг тилларда дoston бўлган, нефт отилиб чиққани учун кўпчиликни кизиктириб қўйган Мингбулоқ туманида катта ўзгаришлар рўй бермоқда. Ислохотлар кўлами она Ватанимиз Мустақиллигининг қутлуғ 30 йиллик тўйи кунлари яққол кўзга ташланди. Яна бир эътиборли жиҳат шундаки, байрам тантаналари “Мустақиллик объектлари”нинг очилиш тадбирларига уйғунлашиб кетди. Туман ҳокими Нуршод Нурмаатовнинг эътироф этишича, Жомашўй шаҳарчасида “Art soft” илмий марказининг фойдаланишга топширилиши нафақат туман аҳли, вилоят кишлок хўжалиги, унинг илм-фани учун ҳам қувончли воқеа бўлди. Гап нафақат Наманганда, балки республикамызда ягона ҳисобланган лойиҳа қиймати 2,5 миллион АҚШ доллари бўлган замонавий илмий марказ ҳақида бормоқда. Марказ илмий жамоасининг асосий тадқиқот йўналишлари селекция, уруғчилик, тупроқ микробиологияси, агрокимёси, агробиотехнологиялари, янги ўзлаштириладиган ҳудудларда истиқболли ўсимликларни жойлаштиришдан иборат бўлади. Илмий ходимлар томонидан ўсимлик биомассасидан экспортбоп маҳсулотлар ишлаб чиариш биотехнологиялари ҳаётга тадбиқ этилади.

Ҳеч шубҳа йўқки, Мингбулоқда пайдо бўлган мана шу инновацион илмий марказ кишлок хўжалигининг асосий таянчи саналган чорвачилик тармоқларини янада ривожлантиришга, озикабоп



нария ва чорвачиликни ривожлантириш бўлимыдан олинган маълумотларга назар ташлайдиган бўлсак, айна чоғда қорамоллар бош сони 50 минг 600 бошдан, қўй-қўзилар 43 минг бошдан, паррандалар 200минг бошдан ортиқ. Шунингдек, ветеринария ходимлари қарийб 10 мингга яқин итлару мушукларни ҳам хатловдан ўтказиб, уларни чорва ҳайвонлари қатори хавфли касалликларга қарши мунтазам, режа асосида эмлаб чиқишмоқда. Ўтган йиллар ичида туман ҳокимининг бевосита ташаббускорлиги туфайли балиқчилик хўжаликлари сони икки қарра кўпайди. Балиқчилар ўзлари учун ажратилган сув ҳавзаларидан самарали фойдаланишга ҳаракат қилишмоқда. Шунинг учун Мингбулоқ балиқлари нафақат Наманган бозорларига, балки пойтахтга етиб келмоқда.

– Президентимизнинг “Биз амалга ошираётган ислохотлар одамларни эртага эмас, бугунги ҳаётдан рози қилишга қаратилиши керак”, – деган пурмаъно гаплари доимо ёдимда туради. Шу боис туманимызда одамларга яқин бўлиш, уларнинг дарди-ташвиши билан яшаш учун дала юмушларию аҳоли билан учрашувларни уйғунлаштирган ҳолда ташкил этиямыз. Ёшларни касб-ҳунарга йўналтираётганимыз, уларга имкониятига яраша ер ажратиб берганимыз, аҳолига чорваю парранда тарқатганимыз охир-оқибат камбағалликни, ночор оилалар сонини кескин қисқартириш имконини яратмоқда, – дейди туман ҳокими Нуршод Нурмаатович. – Шунингдек, тадбиркор бўламан, янги иш ўрни яратаман, деган кишилар эътибордан четда қолгани йўқ. Чунки Мингбулоқнинг имконият-



экинлар уруғчилигини янги поғона кўтаришга, уруғчилик борасида дунё янгиликларини шу ерда жорий этишга катта туртки беради. Туман ветери-



лари бекиёс, фақат ялқов бўлмай, баҳонага ўрин қолдирмай ишлаш керак.

– Туман ҳудуди катта, чорвачилик билан жиддий шуғулланишга киришган 16 та фермер хўжаликлари мавжуд, улар орасида юз-икки юз эмас, балки “Ухуд” фермер хўжалиги каби олти-етти юз бош зотдор қорамолларни боқаётган мулкдорлар ҳам бор. Шукрки, кўмитамиз томонидан хавфли касалликларга қарши эмламалар ўз вақтида таъмин этилмоқда. Чорвадорлар ана шундан хурсанд. Биз эса эмламаларни ўз вақтида, сифатли қилишни қаттиқ назоратга олганмиз. Бу борада 30 йиллик тажрибага эга бўлган “Довдук” ветучастка мудир Илҳомжон Исмоилов ҳамда “Мехнатобод” ветучастка мудир Холмурод Мирзаевлар ҳамкасбларига ўрнак

бўлмоқда, – дейди туман ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш бўлими бошлиғи Музаффар Аҳмадалиев. – Дарвоқе, туманимизда тажрибали мутахассисларга ёшларни шогирд сифатида бириктириб қўйиш тамойили ҳам бор. Масалан, айна чоғда Илҳомжонда икки нафар, Холмурод аканинг қўл остида уч нафар ёшлар амалиёт ўтаётди. Ўтибор беринг, амалиёт дегани шунчаки ветврачнинг ёнида юриш эмас, у каби ишлаш дегани. Ахир йиллар ўтиб, ёш йигитнинг маҳорати ошиши, устозидан ўзи керак-да. Ана шунда унга ветеринария тизимидаги энг қайноқ жой – ветучасткани ишониб топширса, “хонадонма-хонадон юриб жониворларни дардига дармон бўлинг”, деса бўлади.

Бўлим бошлиғи кўмита раиси томонидан берилаётган ҳар бир топшириқ, кўрсатма жамоа томонидан ўрганилиб, сўзсиз бажарилаётганини ҳам алоҳида таъкидлади. Шунингдек, Музаффар Аҳмадалиев ветврачлар туман ҳудудида жойлашган мактабларда, 40та маҳалланинг фаол оқсоқоллари иштирокида “Хавфли касалликлардан огоҳ бўлинг”, шиори остида давра суҳбатлари ўтказиётганини айтиб ўтди.

– Мақсад ветеринария тизимида муаммога йўл қўймаслик, эпизоотик барқарорликни сақлашдан иборатдир. Ана шундагина ветврачнинг меҳнати ҳавога учмайди, ризку насибаси бутун бўлади, – дейди Музаффар Аҳмадалиев биз билан хайрлашаркан.

Сардорбек Алиқулов

Андижон вилояти.



– Мактабда яхши ўқиган боланинг қайси касбга қизиқишини ўз вақтида аниқлаб олиш жуда муҳим. Кечикманг, бу борада руҳшуноснинг маслаҳатига кулоқ тутинг. Агар она-она ва ўқитувчи ҳамкорлиги фақат пул билан боғлиқ бўлмай, балки боланинг келажагини белгилашга хизмат қилса, айна муддао. Шу ўринда бир гапни айтмай, ўқитувчиликка мени отам ва онажоним қизиқтирганлар, уларнинг меҳри туфайли шу касбни танладим, ишим ўзимга жуда ёқади, – дейди водийда ягона саналган Марҳамат ветеринария техникуми ўқитувчиси Наргизахон Сулаймонова. – Ўқувчилар билан мулоқот жараёнида ким ўз ихтиёри билан, ким она-онасининг қистови билан ўқишга келганини сезаман, агар йиллар ўтиб афсусланмай, десангиз касбингизни ҳозир ўзгартиринг, ёки яхши ўқишга интилинг дейман. Шукрки, техникумда ўқиётган ўқувчиларнинг кўпчилиги мактаб ёшидаёқ чорва боққан, қорамол ё қўй асраган, жуда бўлмаганда ит ё мушук боққан. Бир сўз билан айтганда, ўз истаги

билан ветеринария техникумига келишган. Машғулотлар қизиқроқ ўтсин дейманда, илмий журналларни ҳам ўқувчиларимга кўрсатаман, журналда чоп этилган мақолаларни мутолаа қиламиз. Чунки бу нашрга ҳар йили обуна бўлишади, журнал мунтазам равишда техникумга келади. Агар имкони бўлса, келгуси сонларда техникум ёшлари, ўқитувчилари ҳақида ҳам ёзилса. Зеро, Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш давлат кўмитаси тасарруфига ўтгач, техникумда катта ўзгаришлар рўй берди.

Дилафруз Холиқул қизи

УДК: 636.92:637

Хушназаров А.Х., таянч докторант,
Самарқанд ветеринария медицинаси институти**ҚУЁНЧИЛИКНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ДАВР ТАЛАБИ**

(адабиётлар таҳлили)

Аннотация

В данной статье рассказывается о развитии кролиководства в нашей стране, о совершенствовании разведения и об исследованиях в этой сфере.

Калит сўзлари: кластер, қуён гўшти, қуёнхона, витамин, макро-микро элементлар.

Annotation

This article describes the development of rabbit breeding in the Republic, the improvement of breeding and research in this area.

Кириш. Мамлакатимизда тадбиркорлик фаолиятини ривожлантиришга қаратилаётган эътибор қуёнчилик соҳасида кенг имкониятлар очмоқда. Бу эса кўпчилик тадбиркорлар орасида қуёнчиликка қизиқишни янада кучайтирмоқда. Мутахассисларнинг фикрича, қуён гўштининг биологик қиймати, юмшоқлиги ҳамда ёғ ва холестерин моддаси камлиги сабаб тиббиётда аллергия, гипертония, ошқозоничак, меъда, ўт-пуфак, жигар касалликларини даволашда фойдали ҳисобланади. Момиғидан тайёрланган буюмлар неврологик касалликлар, радикулит билан оғриган беморларга тавсия этилади. Момиғи иссиқни сақлаш хусусиятига кўра, қўй жунидан 10 баробар устун. Сўнгги йилларда юртимизда қуёнчиликни ривожлантириш, наслчилик ишларини такомиллаштириш ва ушбу йўналишда ихтисослашган агрофирмалар ташкил этишга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Мавзунинг долзарблиги. Ҳозирча республика-мизда қуёнчилик тармоғи дастлабки ривожланиш босқичида бўлиб, ушбу даромадли тадбиркорлик билан шуғулланувчилар кам. Улар етарлича ахборот ва қўникмага эга эмас. Демак, бу борада тарғибот-ташвиқот ишларини янада жадаллаштириш зарур. Қуёнчилик саноатлашган даражага етиши лозим. Боқувчи маҳсулотини қаерга сотишини олдиндан билиши керак. Тармоқнинг озуқа базасини шакллантириш ҳам долзарб масала. Шу боис ҳозир юртимизда мана шундай масалаларни ҳал этишга,



тармоқни ривожлантиришга ҳукумат даражасида эътибор қаратилмоқда.

Адабиёт маълумотлари. Чорвачиликда гўшт, тухум ва балиқ маҳсулотлари билан бир қаторда қуён гўшти етиштириш алоҳида аҳамиятга эга. Қуённинг танаси кичик бўлса-да берадиган маҳсулоти инсон учун жуда фойдали эканлигини эслатиб ўтмоқчимиз. Қуён гўшти бошқа гўшлардан таъми ва пархезбоплик хусусиятлари билан ажралиб туради[8].

Қуёнлар бош сонини кўпайтиришда, уларнинг туғилган вақтидан то мустақил озиклана олгунча бўлган даврда парваришlash, озиклантириш ва техноген омиллар муҳим аҳамият касб этади[4].

Қуён гўштидаги оксил миқдори қўй, қорамол, чўчка гўшtlарига қараганда юқори. Витамин ва ми-

Қуён гўштининг кимёвий таркиби

Гавда қисмлари	Гавда массасидаги улуши (%)				100 г. гўштининг энергетик қиймати, ккал.
	Сув	Оксил	Ёғ	Кул	
Чаноқ – сон	70,30	21,21	5,83	2,66	140,31
Курак – елка	71,39	20,43	4,87	3,31	122,05
Бел – думгаза	71,05	19,96	6,98	2,01	147,14
Бўйин – қўкрак	71,95	18,76	5,42	3,87	124,82
Узун толали мускул	71,03	22,10	4,10	2,77	125,53



нерал таркибига кўра деярли барча гўшт турларидан устун туради. Куён гўшти таркибидаги витаминлар, макро ва микро элементларни бошқа ҳеч қайси гўшт билан тенглаштириб бўлмайди[1].

Куён бу типик гомотермлик ҳайвон ҳисобланиб, тана ҳароратини 38,8-39,5 °C оралиғида сақлаб туради. Аммо бу ҳарорат ёз фаслида 41 °C даражага кўтарилиши ва қиш фаслида эса 37 °C даражага тушиши мумкин. Ҳарорат 44 °C га етганда куён танасидаги оксиллар денатуратсияга учрайди ва ҳайвоннинг ҳалокатига сабаб бўлади. Шу сабабли куёнлар ҳароратнинг кўтарилишига жуда таъсирчан сут эмизувчи ҳайвон ҳисобланади[6]. Таъкидлаш жоизки, куёнлар ўта иссиқлик, намлик ва кучли шамолни ёқтирмайди. Фермер хўжаликлари шароитида куёнларни атрофи дарахтлар билан ўралган жойларда сақлаш самара беради[2].

Жаҳонда мўйна маҳсулотларига, хусусан, куён мўйнасига бўлган талаб доимо юқори бўлиб келган ва бу талаб бугунги кунда ҳам ўз долзарблигини йўқотмаган. Куён мўйнасининг бежиримлиги, енгиллиги ҳамда иссиқликни яхши ўтказувчанлик хусусияти туфайли ҳам унга кўпгина хорижий мамлакатларда талаб жуда юқори[5].

Куёнлар жинсий жиҳатдан тез етилиши ҳисобига 2-2,5 ойлигида эркек ва урғочисини алоҳида-алоҳида гуруҳларга ажратиш керак. Ўртача семизликдаги урғочи куёнларни 4 ойлигидан қочириш мумкин, эркек куёнлардан эса 7-8 ойлигидан насл олиш мақсадга мувофиқ. Эрта қочирилган куёнлардан нимжон ва кичкина бола олинади, ке-

йинчалик ҳам ушбу куёнлардан бола олиш ва олинган болаларининг насл сифати бузилади. Куёнларни саноат усулидаги қафасларда 4 тагача сақлаш лозим, бундан кўп асралганда уларнинг ўсиши секинлашади ва ўлиб қолиш хавфи ошади[3].

Куёнлар кўпайиш хусусиятлари билан бошқа турдаги қишлоқ хўжалик ҳайвонларидан фарқ қилади. Бу тафовутларни куёнлардан кўп авлод олиш, қайта урчиш хусусиятларида кузатиш мумкин. Улар учун биринчи характерли хусусият эрта жинсий вояга етиш, юқори серпуштлик, бўғозлик даврининг қисқалиги, лактация даврининг бўғозлик даври билан уйғунлашиши кабилардир.

Хулоса:

1. Аҳоли ўртасида куён гўштига бўлган талабни ошириш.
2. Куёнчилик маҳсулотларини етиштиришда инновацион лойиҳаларни жорий қилиш.
3. Аҳолининг репродуктив саломатлигида куён гўшти истемоли бўйича семинарлар ташкил қилиш.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Балласов У, Маматмуминов Ш., Парҳезбоп куён гўшти, “Veterinariya meditsinasi” журнали. 2019 №2. 29-30 бет.
2. Балласов У, Турдиев А., Куёнчилик сердаромад соҳа. “Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги” журнали. 2014 №12. 16 бет.
3. Бўрибоев Ш, Калчков С., Куён мумай даромад манбаи, “Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги” журнали. 2008 №10. 8 бет.
4. Ибрагимов Б.Б., Ёш куёнларнинг ўсиш ва ривожланиш хусусиятлари, “Chorvachilik va naslchilik ishi” журнали. 2019 №2. 30-32 бет.
5. Ибрагимов Б.Б, Исмаилов М.Ш., Куён терисига ишлов бериш технологияси, “Chorvachilik va naslchilik ishi” журнали. 2019 №4. 30-32 бет.
6. Ибрагимов Б.Б, Исмаилов М.Ш., Турли ҳароратдаги атмосфера ҳавосининг куёнлар иссиқлик гомеостазига таъсири. “Chorvachilik va naslchilik ishi” журнали. 2020 №1. 66-68 бет.
7. Ибрагимов Б.Б., Куёнларда бўғозлик даврининг серпуштлик билан боғлиқлиги, “Chorvachilik va naslchilik ishi” журнали 2019 №6. 53-54 бет.
8. Холматов А.Х. ва бошқалар. Куёнлар қонининг гематологик ва биокимёвий таркиби, “Chorvachilik va naslchilik ishi” журнали. 2020 №1. 64-65 бет.

УДК:619:616.988:614.47

Хамдамов Х.А.¹, Худоёрова Ф.А.²,
Сатторов У.К.², Куватов Б.Х.,(1 - ветеринария фанлари доктори, 2- ветеринария фанлари
бўйича фалсафа доктори)

ЎЗБЕКИСТОНДА ҲАЙВОНЛАР БРУЦЕЛЛЁЗИ ДИАГНОСТИКАСИНИ ОЛИБ БОРИШ ТАЛАБЛАРИ

Бруцеллёз – турли хил ҳайвонлар ва одамларнинг юкумли касаллиги бўлиб, *Brucella* авлодидаги бактериялар орқали чақирилади. Ҳайвонларда бруцеллёз кўпинча аборт (ҳомила ташлаш), яшашга қобил бўлмаган насл туғилиши, йўлдошнинг ушланиб қолиши ва узоқ давом этадиган пуштсизлик билан кечади.

Бруцеллёз касаллигининг қўзғатувчиси – *Brucella* авлодига мансуб грамсалбий бактерия бўлиб, унинг қуйидаги турлари мавжуд: *Brucella abortus* (қорамол), *B.melitensis* (қўй, эчки), *B.suis* (чўчка), *B.ovis* (қўчқор¹), *B.canis* (ит), *B.neotomae* (бутазор каламуши). Бруцеллёз бўйича ООҚХТ/БССТ² таксономик қўмитасининг 2011 йилги йиғилишида тўртта янги *Brucella* турлари тасдиқланди: *B.ceti*, *B.pinnipedialis*, *B.microti* ва *B.inopinata*. Айрим бруцелла турлари ўзига хос ҳайвон туридан ташқари бошқа турдаги ҳайвонларга ҳам юқиши мумкин. Ўзбекистон ҳудудида *B.melitensis*, *B.abortus*, *B.suis* ва *B.ovis* турлари мавжудлиги тасдиқланган.

Инсонларга бруцеллёз касаллиги фақатгина касалланган ҳайвонлардан (тўғридан-тўғри алоқа оқибатида) ёки улардан олинган маҳсулотлар (кўпинча термик ишлов берилмаган сут маҳсулотлари – ҳом сут, қаймоқ) орқали юқади. Инсон учун қўй-эчкилар бруцеллёзининг қўзғатувчиси энг хавфли ҳисобланади.

Бруцеллёз касаллигининг олдини олишда ўз вақтида ва услубий жиҳатдан тўғри олиб борилган диагностик тадбирлар катта аҳамиятга эга. Шу мақсадда ушбу мақолада республикамиз ветеринария хизматида қабул қилинган диагностик тадбирлар учун белгиланган талаблар келтирилмоқда.

Ҳайвонлар бруцеллёзининг ташхиси серологик, бактериологик, аллергик³ ва молекуляр биологик (Полимераза-занжирли реакцияси) текширишлари ҳамда эпизоотологик маълумотлар ва клиник белгилари асосида қўйилади. Ҳайвонлар бруцеллёзининг диагностикасида серологик, бактериологик, аллергик ва молекуляр биологик (Полимераза-занжирли реакцияси, ПЗР) текширишлар қўлланилади.

Ҳайвонларни ва биологик материалларни текшириш амалдаги ҳайвонлар бруцеллёзини диагностика қилиш қўлланмасига асосан олиб борилади.

Ҳайвонларни бруцеллёзга текшириш қуйидаги усуллар билан олиб борилади:

Қорамоллар:

серологик: “Роз-бенгал” антигени билан пластинкали агглютинация реакцияси (ПАР), пробиркада агглютинация реакцияси (АР), комплемент боғланиш реакцияси (КБР), иммуноферментли таҳлил (ИФТ);

Қўй, эчкилар:

серологик: “Роз-бенгал” антигени билан пластинкали агглютинация реакцияси (ПАР), пробиркада агглютинация реакцияси (АР), комплемент боғланиш реакцияси (КБР), комплемент узоқ боғланиш реакцияси (КУБР)⁴, иммуноферментли таҳлил (ИФТ);

Чўчкалар:

серологик: “Роз-бенгал” антигени билан пластинкали агглютинация реакцияси (ПАР), комплемент боғланиш реакцияси (КБР), иммуноферментли таҳлил (ИФТ).

Аллергик.

От ва туялар:

серологик: “Роз-бенгал” антигени билан пластинкали агглютинация реакцияси (ПАР), про-

¹Brucellанинг ушбу тури қўчқорларда инфекцион эпидидимит касаллигини чақиради.

²БМТнинг Халқаро озик-овқат ва қишлоқ хўжалиги ташкилоти/Бутунжаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти.

³Охирги йилларда ушбу усул фақатгина чўчкаларда қўлланилмоқда.

⁴Қўчқорлар эпидидимитида.

биркада агглютинация реакцияси (АР), комплемент боғланиш реакцияси (КБР), иммуноферментли таҳлил (ИФТ).

Итлар ва бошқа ҳайвонлар:

серологик: “Роз-бенгал” антигени билан пластинкали агглютинация реакцияси (ПАР), пробиркада агглютинация реакцияси (АР), комплемент боғланиш реакцияси (КБР), иммуноферментли таҳлил (ИФТ).

Такрорий текширишлар зарурияти туғилганда, ҳайвонлар 20-30 кундан кейин қайтадан бруцеллэзга серологик усул билан текширилади. Чўчкаларда аллергик текширишлар 25-30 кундан кейин такрорланади.

Сигирлар (ғунажинлар), урғочи туялар бўғозликнинг қайси даврида бўлишидан қатъий назар бруцеллэзга текширилади, янги туққан сигир, кўй-эчки ва чўчкалар туққанидан 25-30 кундан кейин ёш ҳайвонларнинг ҳамма турлари 3 ойлигидан бошлаб текширилади. Бруцеллэзга қарши вакцина билан эмланган йирик ва майда шохли ҳайвонлар вакцинани қўллаш йўриқномасида белгиланган муддатларда текширилади.

Бруцеллэзга гумон қилинганда ҳайвонлардан олинган патологик материал бактериологик усул билан (биосинов йўли билан биргаликда) текширилади. Ветеринария лабораториясига трихомоноз, кампилобактериоз, салмонеллэз, лептоспироз ва хламидиозга текшириш учун келтирилган ташланган ҳомила албатта бруцеллэзга ҳам текширилиши керак.

Агарда соғлом ҳўжалик ва аҳоли пунктларида ҳайвонлар орасида аборт ёки бошқа бруцеллэзга хос клиник белгилар намоён бўлса, диагностика куйидаги тартибда олиб борилади:

бруцеллэзга гумондор ҳайвонлардан ташланган ҳомила ёки унинг ошқозони, ҳомила пардасининг парчалари ёки бошқа материал бактериологик текширишлар учун ветеринария лабораториясига юборилади. Шу билан бирга, ҳомила ташлаган ҳайвонларнинг қон зардоблари ҳам серологик текширишлар учун юборилади. Биринчи серологик текширишлар салбий натижалар кўрсатган тақдирда ушбу ҳайвонлар қони 20-30 кун ўтгач, такрорий бруцеллэзга текширилиши лозим.

Патологик материалдан бруцелла бактериялари ажратилганда, полимераза-занжирли реакциясида ижобий натижа ва бруцелла турининг аниқланиши ёки биологик синовда ижобий натижа қайд қилинса, бруцеллэз ташхиси аниқланган, деб ҳисобланади.

Агарда бактериологик текширишлар натижасида бруцелла бактериялари ажратилмаса, полимераза-занжирли реакциясида, биологик синовда салбий ва ҳайвонлар қон зардобини икки бор серологик текширишларида салбий натижалар олинса, текширилаётган ҳайвонлар бруцеллэз касаллиги бўйича соғлом, деб ҳисобланади.

Бруцеллэзга гумондор бўлган битта ёки бир нечта ҳайвонлар қон зардоблари серологик текширишларда ижобий натижалар берганда ва бактериологик текширишлар яқунланмаган тақдирда, ушбу ҳайвонлар 15-20 кундан кейин подадаги бошқа ҳайвонлар билан бирга бруцеллэзга комплекс серологик усуллар билан текширилади (ПАР, АР, КБР).

Агар ушбу пода (сурув)даги текширишларда бошқа ижобий реакция берган ҳайвонлар аниқланмаса, бактериологик текшириш ва бошқа гумондор ҳайвонларни серологик текшириш натижалари салбий бўлса, улар ва пода бруцеллэзга соғлом, деб ҳисобланади.

Гумондор ҳайвонлардан олинган материаллар бактериологик текширишларда салбий натижа берса-да, лекин бруцеллэзга серологик реакцияларнинг ижобийлиги сақланган тақдирда бруцеллэзга ташхис аниқланган ҳисобланиб, ижобий реакция берган ҳайвонлар касал, пода, ферма, ҳўжалик эса бруцеллэз бўйича носоғлом деб эълон қилинади.

Агар гумондор ҳайвонлардан олинган материаллар бактериологик текширишларда салбий натижа бериб, бруцеллэзга серологик реакцияларнинг ижобийлиги сақланган тақдирда подада бошқа ижобий реакция берган ҳайвонлар аниқланмаса, илгари подадан ажратилган ҳайвонлар гўштга топширилади ва поданинг қолган ҳайвонлари 25-30 кунлардан кейин юқорида кўрсатилган усуллар билан такрорий текширилади. Олинган натижаларга асосан пода (ферма)нинг бруцеллэз бўйича эпизоотик ҳолати баҳоланади.

Кўй-эчки бруцеллэзи тарқалган ҳудудларда бруцелла културалари қорамоллардан ажратилган тақдирда, улар қўзғатувчининг турини аниқлаш мақсадида вилоят (ҳудудий, республика) ветеринария лабораториясига юборилади.

Кўчқорларнинг инфекцион эпидидимитига бактериологик текширишлар ўтказиш мақсадида ветеринария лабораториясига уруғдон ва уруғдон ортиқлари, ташланган ҳомила, ҳомила пардасининг парчалари ёки бошқа патологик материал юборилади. Серологик текширишлар КУБРда овисли антигени билан ўтказилади.

Хайвонлардан олинган материалдан бактериологик текширишларда бруцелла култураси ажратилганда ёки қон зардоби овисли антигени билан ўтказилган КУБРда ижобий натижа берса, қўчқор (қўй)лар инфекцион эпидидимит билан касалланган ҳисобланади.

Бруцеллэз бўйича соғлом пода (ферма)да режа асосида текширишлар ўтказилиши натижасида АРда ижобий (шу билан бирга ПАРда ижобий, лекин КБРда салбий) натижа бўлса – қорамоллар ва отларда 100 халқаро бирлик (ХБ) титрдан юқори бўлмаган, қўй-эчкида эса – 50 ХБ титрдан юқори бўлмаган ҳолатда бу хайвонлар дарҳол ажратиб олинади ва 20-30 кундан кейин такрорий бруцеллэзга комплекс усуллар билан текширилади. Бир вақтнинг ўзида поданинг қолган хайвонлари ҳам шу усуллар билан текширилади.

Агар такрорий текширишларда пода (сурув)да ижобий реакция берадиган бошқа хайвон аниқланмаса ҳамда бруцеллэзга гумон белгилари учрамаса (аборт ва хоказо) ва олдин текширилган хайвонларда АРдаги антителолар титри кўтарилмаган бўлиб, КБР (КУБР) салбий бўлса, пода бруцеллэз бўйича соғлом, деб топилади.

Ажратилган хайвонларнинг қон зардобиди АРдаги антителолар титри кўтарилса ёки КБР (КУБР)да ижобий натижа олинса (яъни бир ёки иккала диагностик намуналар бўйича) улар касал ва пода (сурув) бруцеллэз бўйича носоғлом, деб эълон қилинади ҳамда белгиланган талабларга асосан соғломлаштириш чора-тадбирлари ўтказилади.

Агар бруцеллэзга соғлом хўжаликдаги чўчкаларнинг баъзиларида бруцеллэз аллергенига нисбатан ижобий натижа аниқланган бўлса, уларни дарҳол ажратиб, қон зардоби ПАР ва КБРларда текширилади. Серологик текширишда салбий натижа олинган бўлса ва бруцеллэзга гумон қилинувчи клиник белгилар учрамаса, олдинги ажратилган хайвонлар гўштга топширилади. Қолган хайвонлар бруцеллэзга соғлом ҳисобланади.

Бруцеллэз бўйича носоғлом подаларда (ферма, хўжалик, аҳоли пункти) хайвонларни серологик текширишларда ижобий натижалар олинса, улар бруцеллэз билан касалланган деб ҳисобланади.

Вилоят ва туман ветеринария бош врачлари ветеринария лабораториялардаги патологик материалларни ва қон намуналарини текшириш жараёнида санитария режимига риоя қилишни назорат этишлари шарт.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Bricker, B. J., and S. M. Halling. 1995. Enhancement of the Brucella AMOS PCR assay for differentiation of Brucella abortus vaccine strains S19 and RB51. J. Clin. Microbiol. 33:1640–1642.
2. Caroff, M., D. R. Bundle, M. B. Perry, J. W. Cherwonogrodzky, and J. R. Duncan. 1984. Antigenic S-type lipopolysaccharide of Brucella abortus 1119-3. Infect. Immun. 46:384–388.
3. Cheville, N. F., A. E. Jensen, S. M. Halling, F. M. Tatum, D. C. Morfitt, S. G. Hennager, W. M. Frerichs, and G. G. Schurig. 1992. Bacterial survival, lymph node changes, and immunologic responses of cattle vaccinated with standard and mutant strains of Brucella abortus. Am. J. Vet. Res. 53:1881–1888.
4. Cheville, N. F., M. G. Stevens, A. E. Jensen, F. M. Tatum, and S. M. Halling. 1993. Immune responses and protection against infection and abortion in cattle experimentally vaccinated with mutant strains of Brucella abortus. Am. J. Vet. Res. 54:1591–1597.
5. Chukwu, C. C. 1985. The instability of Brucella abortus strain 45/20 and a note on significance of using an unstable rough strain in the diagnosis of bovine brucellosis. Int. J. Zoonoses 12:120–125.
6. Cloeckaert, A., M. S. Zygmunt, J.-C. Nicolle, G. Dubray, and J. N. Limet. 1992. O-chain expression in the rough Brucella melitensis strain B115: induction of O-polysaccharide-specific monoclonal antibodies and intracellular localization demonstrated by immunoelectron microscopy. J. Gen. Microbiol. 138:1211–1219.
7. Ҳамдамов Х.А., Р. Г. Яраев, Р.А.Исматова, Салимов Ҳ.С., Б.Ҳ. Қуватов. 2015. Хайвонлар бруцеллэз касаллигининг олдини олиш ва бартараф қилиш бўйича илмий асосланган чора-тадбирлар тизими. Ўзбекистон Республикаси Ветеринария Бош Бошқармаси томонидан тасдиқланган. 2015 йил. 46 бет.

Website:

1. International Code of Nomenclature of Bacteria. www.ncbi.nlm.nih.gov/books
2. <http://icsp.org/subcommittee/brucella/taxa>
3. <http://dx.doi.org/10.1099/00207713-25-1-83>

УДК:619:616.988:614.47

Х.А.Хамдамов¹, Ф.А.Худоёрова², У.К.Сатторов², Б.Х.Куватов,
Ш.А.Рахматуллаев,

(1- ветеринария фанлари доктори,

2- ветеринария фанлари бўйича фалсафа доктори)

БРУЦЕЛЛЁЗ КАСАЛЛИГИНИНГ ОЛДИНИ ОЛИШ ВА УНГА ҚАРШИ ЧОРА-ТАДБИРЛАРНИ ТАШКИЛ ЭТИШ

Бруцеллёз касаллиги барча кишлоқ хўжалик ҳайвонларини зарарлайди ва у инсонларга фақатгина касалланган ҳайвонлар ёки улардан олинган маҳсулотлар орқали юқади. Инсон учун қўй-эчкилар бруцеллёзининг қўзғатувчиси энг хавфли ҳисобланади. Шунинг учун ушбу касаллик катта ижтимоий аҳамиятга эга ва унинг олдини олиш тадбирлари қатъий белгиланиб келинмоқда. Охириги йилларда ушбу касаллик бўйича фан ва амалиётнинг маълумотлари кўпайгани боис Ветеринария илмий тадқиқот институтининг бруцеллёз касаллигини ўрганиш лабораторияси ходимлари томонидан кўп йиллик тажриба ва жаҳон миқёсида қабул қилинган замонавий қоидаларга асосланиб олдини олиш тадбирлари учун белгиланган талаблар ишлаб чиқилди ва Ўзбекистон Республикаси Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш давлат қўмитаси томонидан тасдиқланди (ЎзРВЧРДҚ 40-сонли “Ҳайвонларнинг бруцеллёз касаллигининг олдини олиш ва бартараф қилиш бўйича йўриқномани тасдиқлаш тўғрисида” қарори). Қуйида ушбу талаблар келтирилмоқда.

Бруцеллёз касаллигининг олдини олиш

Бруцеллёз бўйича соғлом хўжалик, аҳоли пункти, туман ва вилоятларда чорвачиликнинг юқори санитария маданиятини яратишга, бруцеллёз қўзғатувчисини ҳайвонлар подаларига киришининг олдини олишга қаратилган комплекс чора-тадбирлар амалга оширилади. Шу билан бирга ҳайвонлар бош сони ҳолати, гуруҳдан гуруҳга ўтказиш, молларни подага кириб келиш ва чиқиб кетиш бўйича доимий ветеринария назорати ташкил қилинади.

Бруцеллёз бўйича соғлом хўжаликларда бўйсунтиридан қатъий назар барча турдаги чорвачилик хўжалик раҳбарлари ва хонадонлар эгалари ҳайвонларни бруцеллёзга чалинмаслигининг олдини олиш мақсадида қуйидагиларни бажаришга мажбурдирлар:

- ветеринария мутахассиси рухсатсиз хўжаликка бошқа хўжалик ва аҳоли пунктларидан ҳайвонларни киритмаслик ҳамда хўжаликда ҳайвонларни бир жойдан иккинчи жойга ўтказмасликни таъминлаш;

- хўжаликка келадиган ҳамма моллар 30 кун мобайнида профилактик карантинда сақланиши лозим. Карантин мобайнида ҳайвонлар бруцеллёзга серологик усуллар орқали текширилади. Фақатгина бруцеллёз бўйича бутун поданинг соғломлиги тасдиқланган тақдирда (лаборатория ва клиник текширишларда салбий натижа олингандан кейин) ҳайвонлар хўжалик ветеринария врачлари рухсати билан умумий подага

қўшилади. Агарда карантин даврида текширилганда моллар ижобий натижа берса, юқорида белгиланган кўрсатмаларга асосан диагнози қайтадан аниқланади ва бруцеллёз тасдиқланган бутун ҳайвонлар гуруҳини сўйишга жўнатилади;

- бруцеллёзга носоғлом бўлган хўжалик ҳайвонлари билан аҳоли пункти соғлом ҳайвонлари контактининг олдини олиш лозим ва ҳайвонларга қарайдиган ишчиларни бруцеллёз бўйича соғлом фермаларга боришини таъқиқлаш керак;

- хўжалик ветеринария мутахассислари талабларига асосан ҳайвонларда кўрик, диагностик текширишлар, олдини оладиган эмлашларни ўтказиш учун ишчиларни жалб этиш ҳамда ветеринария чора-тадбирларини бажариш учун тегишли шароитларни яратиш;

- ҳайвонларни озиклантиришда, сақлашда ва парвариш этишда ветеринария-санитария ва зоотехния қоидаларига риоя қилиш;

- аборт ёки аборт олди ва бруцеллёзга хос бошқа белгилар намоён бўлганда, ҳайвонлар дарҳол ажратилади ва хўжалик ветеринария врачлари бу тўғрисида огоҳлантирилади.

Бруцеллёз бўйича носоғлом хўжаликлардан бу касаллик бўйича соғлом хўжаликларга ҳайвон олиб келиниши таъқиқланади.

Кириб келадиган ҳайвонларнинг соғломлиги ветеринария гувоҳномаси ёки шу тумандан олиб келинадиган бўлса, ветеринария хизмати маълумотномаси билан тасдиқланиши керак ва унда бруцеллёзга текшириш санаши, усули ва натижалари қайд этилиши лозим.

Хўжалик ёки аҳоли пункти ветеринария врачлари, ҳайвонларда бруцеллёзга хос белгилар намоён бўлганини сезса, бруцеллёз бўйича диагнозни аниқлаш учун дарҳол чоралар кўриши ва туман ветеринария бўлимининг эпизоотологичи огоҳлантириши лозим.

Соғлом хўжалик ва аҳоли пунктларида ҳайвонлар бруцеллёзини ўз вақтида аниқлаш мақсадида режа асосида ҳайвонларда диагностик олдини олиш текширишлари ўтказилади.

Диагностик текширишлар режалари тегишли вилоят ветеринария бошқармалари ва ВББ томонидан ҳар йили тасдиқланади.

Уруғлантиришдан олдин ва кейин сигир ва ғунажинлар, кўзисиз қолган қўйлар, асосий урғочи қўчқалар, наслчилик ишларига жалб этилаётган хўкизлар, қўчқорлар ва эркак қўчқалар бруцеллёзга шартли равишда текширилишлари лозим.

Бруцеллёзга соғлом ҳайвонларнинг диагностик олдини олиш текширишлари хўжалик юритиш йўналишини

ҳисобга олган ҳолда қуйидаги муддатларда олиб борилади:

а) йилига бир марта – ҳамма турдаги хўжаликлардаги қорамоллар. Фақатгина б ва в бандларда кўрсатилган ҳолатлар бундан истисно;

- наслчилик қўй-эчки ва чўчқачилик хўжаликларида ҳамда чорва подалари учун хайвонларни етказадиган хўжаликларда;

- яйловчилик қўй-эчкичиликка йўналтирилган барча хўжаликларда; қўй-эчки бруцеллёзи бўйича носоғлом туманларда жойлашган ҳамда ушбу туманларга чегарадош хўжаликларда.

Бруцеллёз бўйича охириги тўрт йилдан ортиқ вақт мобайнида соғлом туман ва вилоятларда жойлашган хўжаликларда қорамолларни бруцеллёзга серологик текширишлар икки йилда бир марта ўтказилишига рухсат этилади (наслчилик хўжаликлари, чорва подалари учун хайвонларни етказадиган хўжаликлар, болалар боғчаларига ва тиббиёт муассасалари, санаторийлар, дам олиш уйлари ва савдо тармоқларига тўғридан-тўғри сут етказиб берадиган хўжаликлар бундан мустасно). Бундан ташқари, сигирлар ҳар олти ойда сутда ҳалқа реакциясида текширилиши лозим.

б) йилига икки марта – бруцеллёз бўйича носоғлом туманларда жойлашган барча турдаги хўжаликларнинг қорамоллари; барча турдаги хўжаликларнинг яйловда боқиладиган хайвонлари; соғлом туманларда – бруцеллёз бўйича носоғлом туманларга чегарадош бўлган хўжаликларнинг хайвонлари.

в) носоғлом хўжалик ҳудудида жойлашган соғлом фермаларда сигир, насли хўқиз ва кўчқорлар икки мартадан кам бўлмаган ҳолда бруцеллёзга текширилади. Ғунажинлар – уруғлантиришдан олдин ва кейин, тўққилар – йилида бир марта уруғлантиришдан олдин, катта қўйлар – туққандан кейин бруцеллёзга текширилади. Ушбу хўжаликларда етиштириладиган бўрдоки йирик ва майда шохли моллар сўйишдан олдин (сўйишгача 30 кундан ортиқ бўлмаган муддатда) бруцеллёзга текширилади.

г) бруцеллёз бўйича носоғлом пунктлар билан чегарадош, бруцеллёз бўйича носоғлом ёки яйловчилик туманларида жойлашган бўрдоқчилик хўжаликларининг йирик ва майда шохли бўрдоки моллари сўйишгача 30 кундан ортиқ бўлмаган муддатда бруцеллёзга серологик текширилади.

д) майда шохли мол ва чўчқалар учун юқорида кўрсатилмаган ва мазкур тизимда белгиланмаган ҳолатларда эпизоотологик кўрсатмаларга биноан бруцеллёзга текширилади.

е) аҳолига тегишли йирик ва майда шохли моллар а - в ва д бандларда кўрсатилган тартибда бруцеллёзга текширилади.

ж) Наслчилик хўжаликларида ва сунъий уруғлантириш шохобчаларида кўчқорларни инфекцион эпидимитга диагностик текширишлар йилига бир марта қочириш компанияси олдидан ўтказилади.

Наслчилик ва ишлаб чиқариш учун мўлжалланган хайвонларни сотиш ва алмаштиришни фақатгина бруцеллёз бўйича 12 ойдан ортиқ муддат мобайнида соғлом

хўжаликлар амалга ошириши мумкин. Ажратилган хайвонлар бошқа хайвонлардан алоҳида жойлаштирилади ва бир ойлик профилактик карантинга қўйилиб, бруцеллёзга серологик усулларда текширилади. Хайвонларни чиқаришга 30 кундан сўнг ва умумий гуруҳнинг салбий натижаларидан кейин рухсат этилади. Бруцеллёзга қарши вакциналар билан эмланган йирик ва майда шохли хайвонларни наслчилик мақсадида хўжаликдан чиқариш тақиқланади.

Бруцеллёзга қарши чора-тадбирларни ташкил этиш

Хайвонлар бруцеллёзини бартараф қилиш чора-тадбирлари ҳар бир вилоят ва туман, туманларда эса – ҳар бир хўжалик ва аҳоли пунктлари учун ишлаб чиқиладиган режа асосида ташкил этилади ва амалга оширилади.

Хўжалик, чорвачилик фермаси, аҳоли пункти ёки унинг бир қисми (алоҳида подаси)да бруцеллёз билан касалланган хайвонлар аниқланган тақдирда туман (шаҳар) бош ветеринария врачлари тақдими асосида ҳокимият қарори билан ушбу ҳудудни бруцеллёз бўйича носоғлом деб эълон қилади ва карантин ўрнатади. Шу билан бирга тиббиёт ва бошқа мутассадди ташкилотлар билан келишилган ҳолда бруцеллёзга носоғлом пунктнинг соғломлаштириш режасини тасдиқлайди.

Хайвонлар бруцеллёзи олдини олиш ва соғломлаштириш режаларини хўжаликлар бўйича хўжалик раҳбарлари ва мутахассислари тузиб, уларни маҳаллий ҳокимият ва кишлок хўжалик органлари, туман ветеринария бош врачлари ва туман санитария бош врачлари билан мувофиқлаштирадilar. Аҳоли пунктлари ва маъмурий ҳудудлар бўйича режаларни тегишли туман ва вилоят кишлок хўжалик ва соғлиқни сақлаш органлари мувофиқлаштирадilar.

Туман, вилоят, республика бўйича бруцеллёзга қарши чора-тадбирлар режалари мутассадди ташкилот, вазирлик, бошқарма, режалаштирувчи ва молия органлари билан мувофиқлаштирилади.

Соғломлаштириш режаларида қуйидагилар акс этиши шарт:

- хўжалик ва унинг бўлимларининг (ферма, пода), аҳоли пунктларининг эпизоотик ҳолати (касаллик тарқалиш даражаси, касал ҳамда бруцеллёзга қарши вакциналар билан эмланган хайвон сони ва ҳоказолар) ёритилади;

- хўжалик чора-тадбирлари (фермадаги қурилиш ва санитария-таъмирлаш ишлари; ёш хайвонларни алоҳида ажратиб боқишни ташкил қилиш; касал хайвонларни сўйишга топширишнинг тартиб ва муддатлари; носоғлом подани алмаштириш мақсадида соғломлаштириладиган фермаларга соғлом хайвонларни олиб келиш жойлари ва муддатлари; сут ва сут зардоб зарарсизлантирилишини ташкиллаштириш; ветеринария-санитария иншоотларини қуриш; асбоб-ускуна ва қурилиш материаллари ажратилиши ва ҳоказо) ҳамда эпидемияга қарши ва бошқа чора-тадбирлар тавсифи, ҳажми ва муддатлари назарда тутилади;

- бруцеллёзга қарши махсус чора-тадбирлар белгиланади (диагностик текширишлар, бруцеллёзга қарши

эмлаш, дезинфекция ва дератизацияларнинг тартиб ва муддатлари);

- пода (сурув), ферма, хўжалик ва аҳоли пунктларини соғломлаштиришнинг усул ва муддатлари аниқланади, режада кўзда тутилган ҳар бир ишларнинг бажарилиши бўйича жавобгар шахслар ажратилади.

Туман ва вилоят бўйича соғломлаштириш режасига носоғлом хўжалик, аҳоли пунктларининг рўйхати киритилади, республика миқёсидаги режага эса носоғлом туман ва вилоятлар рўйхати киритилиб, унда касаллик тарқалиш даражаси ҳамда касал ҳайвон бош сони ҳисобга олинади.

Биринчи навбатда наслчилик хўжаликлари, сунъий уруғлантириш ташкилотлари, чорвачилик комплекслари, йирик шаҳар ва саноат марказлари атрофлари соғломлаштирилиши ва носоғлом хўжаликларни материал, асбоб-ускуна ҳамда бошқа воситалар билан таъминлаш, соғломлаштириладиган хўжалик подасини алмаштириш мақсадида соғлом хўжаликларда ёш соғлом ҳайвонларни парвариш қилишни ташкил этиш белгиланади.

Бруцеллёз касаллиги кечишининг шакли ўзгарганда (инфекциянинг кучайиши) қарши кураш чоралари, чора-тадбирлар жадаллиги ва муддатлари ўзгариши мумкин. Бу ҳолат хўжалик, аҳоли пункт, туман (вилоят) бўйича ушбу касалликдан соғломлаштириш режасида назарда тутилиши керак.

Қишлоқ хўжалик ташкилотлари раҳбарлари қуйидаги вазифаларни таъминлашлари шарт:

- белгиланган муддатларда бруцеллёзга қарши режалаштирилган ҳамма чора-тадбирлар амалга оширилишини;
- керак бўлган чорвачилик, маиший ва ветеринария-санитария иншоотлари қурилишини (реконструкциясини);
- чорвачилик бино ва ҳудудларининг санацияси бўйича ишлар мунтазам равишда олиб борилишини;
- касаллик тарқалишининг олдини оладиган соғлом ва носоғлом ҳайвонлар подаларини яйлов ва суғориш жойларда алоҳида боқишни;
- соғломлаштириладиган хўжалик подасини тўлдириш мақсадида киритиладиган соғлом молларни фақатгина ветеринария-санитария қоидаларига тўлиқ жавоб берадиган ва вилоят ветеринария органининг тегишли рухсати бўлган жойларда жойлаштиришни;
- носоғлом пода (сурув) ҳайвонларини алоҳида боқишнинг шароитларини ва улардан оладиган сут маҳсулотларини ишончли зарарсизлантирилишини;
- бруцеллёз бўйича носоғлом бўлган ҳудудларда озукаларни тайёрлашда ушбу озукалар ва ҳайвонлар зарарланишининг олдини оладиган тегишли эҳтиёткорликка риоя қилишни;
- диагностик текшириш, бруцеллёзга қарши вакцинация, дезинфекция ишларини олиб бориш вақтида ветеринария мутахассисларига тегишли ёрдам кўрсатишни, транспорт ва ёрдамчи ишчилар беришни ҳамда патологик материалларни ветеринария лабораториясига етказишни;

- чорвадорларнинг бруцеллёз билан касалланишларининг олдини оладиган махсус кийим ва пойабзал, шахсий гигиена воситалари билан таъминлаш.

Туман, вилоят ва республика қишлоқ хўжалик органлари қуйидаги вазифаларни таъминлашлари шарт:

- ветеринария мутахассислари ҳайвонлар орасида бруцеллезининг олдини олиш ва соғломлаштириш ишларини ташкиллаштириш ва тадбиқ этиш бўйича ўқишларини ҳамда унинг диагностикасида ва махсус химоя ишлари бўйича янги восита ва усуллари ўзлаштириш;

- бруцеллёз бўйича носоғлом туманларда махсус ветеринария мутахассисларидан иборат ҳайвонлар бруцеллёзига қарши кенг текширишларни олиб борадиган ишчи гуруҳларини ташкиллаштириш;

Қашқадарё вилоят ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш бошқармаси ташаббуси билан Қарши тумани Қовчин қишлоғидаги Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш ўқув-амалий марказида “Қутиришга қарши курашиш куни”га бағишланган йиғилиш ўтказилди. Маҳалла фаоллари, тажрибали чорвадорлар, фермерлар, ветеринария ходимлари, ветучастка мудирлари, веттехниклар иштирок этган тадбирда қутириш касаллигининг олдини олиш ва унга қарши курашиш борасида аҳолининг хабардорлигини ошириш ва уй ҳайвонларига эгалик қилиш ҳамда жароҳатдан кейин дарҳол жавоб бериш лозимлиги такрор ва такрор айтиб ўтилди. Вилоят ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш бошқармаси бошлиғи Шухрат Эшматов ўта хавфли касалликларга қарши кураш, қутириш касаллигига барҳам бериш масаласи давлат аҳамиятига эга эканлигини, бу борада асло муаммога йўл қўйиб бўлмаслигини қатъий таъкидлади. Йиғилишда эпизоотик барқарорликни сақлаш, ветеринария тадбирларини ўз вақтида ўтказиш масаласи мутасаддилар диққат-эътиборида бўлди.



Севинч Эргашева.

Фаннинг софлигини сақлаш, уни жаҳон талабларига қўра ривожлантириш, иқтидорли ёшларни фундаментал тадқиқотлар билан шугулланишга рағбатлантириш, замонавий илмий тафаккурга эга бўлган ёш авлодни тарбиялаш, бу йўналишда инновацион тамойилларга таяниш, талабаларни дунё тилларини мукамал билишга қизиқтириш ҳақиқий олимнинг бурчидир. Янги Ўзбекистон истиқболи фидойи бўлишни, машаққатлардан кўрқмай олға интилишни талаб этади.

ҲАВАСЛИ ИНСОН АРМОН ҚИЛМАЙДИ

Дунёда профессор ҳам, турли йўналишларда тадқиқотлар олиб борган, илмий ишларини давом эттираётган алломалар ҳам жуда кўп. Улар турли тилларда сўзлашса-да интилиши, мақсади битта: ўзи танлаган касб йўналиши бўйича кашфиётлар яратмоқ. Гап ветеринария илмию фани, амалиёти ҳақида борар экан, таниқли олим, профессор Бўри Салимов ҳақида алоҳида сўзласак, унинг жўшқин илмий фаолияти ҳақида ёшларга ибрат бўларлик даражада ҳикоя қилсак арзийди. У том маънода меҳнаткаш, илм-фанни, унинг таянчи саналган китобларни севадиган, иқтидорли ёшларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлайдиган инсон эди.

– Тиришқоқ талаба, илмга чанқоқ ўғил-қизлар менга ёшлигимни эслатади. Хатирчидаги ўрта мактабда ўқиганимда, институтда таълим олганимда китоб ўқишга тутинсам, кеч кирганини сезмай қолардим. Асосий вақтим кутубхонада китоблар билан сирлашиб ўтарди. Ўтилган дарс юзасидан бирор нарсани билмай қолиш менга ёт бўлган, тушунмаганимни китоблардан излаб топар, бунинг иложи бўлмаса, ўқитувчини топиб сўрардим. Ана шу жараёнда рус тили ўз она тилимдек бўлиб қолди. Баъзан кутубхоначи опа “ука, сиздан илтимос кеч қолар бўлсангиз, ҳеч кимга айтмай шу китобни олиб кета қолинг, эртага олиб келарсиз” дерди. Ўша маҳаллар ўқиш залидан китобни уйга беришмасди, шу ерда ўқинг, дейишарди-да.

Афсуски, отамдан жуда эрта ажралганман. Раҳматли отам урушдан қайтдию, бир йил ўтар-ўтмас вафот этди. Ўшанда 9 ёшда эдим. Эсласам, ҳамон юрагим увишади. Очлик. Хорлик замони эди. Одамлар турли касалликлардан, очликдан қўчада ўлиб қолишарди. Колхоз раиси 24 ёшли йигит эди, аммо унинг асосий вақти тобут қўтариш, мурдаларни қабристонга ташиш билан ўтарди. Ўзим ҳам икки қарра оғир касалликка чалиндим. Аллоҳ бандам деган экан, ўлмадим, оёққа турдим. Ўша маҳаллар буғдой дон осмонда эди, тушга ҳам кирмасди, пиёз ковордук, ўт ковордук, тут мевалари, колхоз боғининг қоқиларини еб кун кечирардик. Бир гал очликка чидамай, кўшни аёл кунжара еган ва шундан заҳарланиб ўлган. Бу ҳол ҳамон кўз ўнгимда. Ўша замонларни ҳозирги кун билан солиштирсак беихтиёр Аллоҳга шукр, дейман, – деганди Бўри Салимов ўтмиш ҳақида сўз очилганда. – Қўшхўкизли омоч билан ер ҳайдаганим ҳам, бошоқ терганим ҳам, юпун кийимда дирдираб мактабга борган кунларим ҳам ҳамон эсимда. Қизиқиш бениҳоя катта бўлган эканки, Хатирчидаги ўрта мактабни қумуш медалга битирдим, шу боис Самарқандга келиб, ветеринария факультетига имтихонсиз қабул қилиндим. Ўша замонларда мактаб таълими жуда кучли эди. Ўқидим, раҳмат устозларимга, дўстларимга, менга доимо мададкор бўлишди, қўллаб-қувватлашди.

Ёшликдаги турмуш қийинчиликлари Бўри Салимовнинг иродасини қайта ва қайта синовдан ўтказди.

Институтнинг иқтидорли талабаси бўлган устоз илмий тўғаракка аъзо бўлди ва яна ўша йили пахта йиғим-теримида меҳнатсеварлиги туфайли тилга тушиб, Республика Олий Совети Президиумининг Фахрий Ёрлиғи билан мукофотланди. Отасиз ўсган, суянгани илмию меҳнати бўлган талаба учун бу улкан ғалаба эди. Мактабни қумуш медалга битирган кун колхоз раиси Абдуҳолик Ҳалимов яп-янги костюмни совға сифатида топширган-да нечоғлик қувонган бўлса, Фахрий Ёрлиқ берилган кун ҳам Бўри Салимов шу қадар севинди. Кейинроқ, “Ё Аллоҳ, бу қувончимни отам раҳматли кўрмадилар-да”, деб хўрсиниб ҳам қўйди.

Институтни битиргач, Бўри Салимов йўлланма билан ветеринария илмий-тадқиқот институтига келиб, гельминтология фанининг йирик тадқиқотчиси, профессор Николай Васильевич Баданинга шогирд тушади. Профессор Баданин институтда кафедра мудири, ВИ-ТИда эса директор муовини эди. Ана шу таниқли олим раҳбарлигида Бўри Салимов 1965 йил “Ўзбекистоннинг тоғолди – тоғ зонаси шароитида қўйларнинг фасциолёз ва дикроцелиозининг эпизоотологияси ва уларга қарши кураш чораларини ишлаб чиқиш” номли номзодлик диссертациясини химоя қилди. Сўнг 1975 йил 22 январда Москва шаҳридаги гельминтология бўйича йирик илмий даргоҳда, дунёга донғи кетган академиклар Владимир Степанович Ершов ҳамда профессор Николай Васильевич Демидовларнинг илмий раҳбарлигида “Ҳайвонларнинг дикроцелиози бўйича экспериментал ишлар, Ўзбекистонда унинг эпизоотологияси ва унга қарши кураш” номли докторлик диссертациясини муваффақиятли химоя қилди. Сўнг том маънода илмий-педагогик фаолиятга шўнғиди. Шу йиллар ичида у ўзининг иқтидорли ёшлардан иборат бўлган илмий мактабини яратди. Фундаментал тадқиқотлар Бўри Салимов гельминтология кафедрасининг мудири сифатида институтга келган пайтда янада самарали давом эттирилди. У ўз атрофида илмга чанқоқ, тиришқоқ ёшларни жамлади. Шу тарика ўнлаб тадқиқотчилар докторлик ва номзодлик диссертацияларини устоз раҳбарлигида химоя қилишди. “Шундай тайёргарлик кўрингки, қўлзмада нуқсон бўлмасин. Ана шунда химоя куни ёруғ юз билан дадил сўз билан илмий даврага кирасиз, иш мукамал бўлса, ҳеч бир савол сизни довдирата олмайди, акс ҳолда тадқиқотчининг нўноқлиги туфайли унинг устози ҳам уялиб қолади”, дерди шогирдларига. Ёшларнинг муаммо-





сини юракдан ҳис этган устоз кўпинча институт ректори ё проректори олдига кирар, шогирдларининг таъминоту ётоқхона билан боғлиқ масаласини айтиб, муаммони тезкорлик билан ечиш лозимлигини илтимос қиларди. Албатта, таниқли олим, фидойи профессорнинг сўзи ерда қолмасди. Ана шу сабабли ҳам нафақат таниқли академик олимлар, устознинг сафдошлари, балки Салимовнинг илм булогидан баҳра олган барча тадқиқотчилар меҳрибон устозни ўз оталари сингари ҳурмат билан тилга оладилар.

Устознинг 80 йиллигига бағишлаб чоп этилган китобдан кўплаб инсонларнинг дил сўзлари ўрин олган. Уларнинг айримларига эътибор қаратинг.

Жалолиддин Азимов, ЎзР ФА академиги, профессор:

– Хатирчи туманининг чекка бир қишлоғида туғилиб, вояга етган дўстим Бўрибой Салимов жаҳон гельминтология фани ривожланишига катта ҳисса қўшган, илмий кашфиётлари тан олинган йирик олимдир. У ўз ҳаёт йўли билан қишлоқ боласининг нималарга қодирлигини кўрсатиб қўйди. Бўри Салимовнинг юксак эътирофга сазовор бўлишида ортикча сир йўқ, бу меҳнат ва яна меҳнат туфайлидир. Мустаҳкам ирода, поклик-ҳалоллик дўстимни буюк олим даражасига кўтарди. Институтни тугатганимизга 60 йил бўляптики, илмда ҳам ҳаётда ҳам биргамиз, унинг самимийлиги, инсоний фазилатлари кўпчиликлари ибрат. У билан 1954 йил танишганмиз ва ўшандан буён тез-тез учрашиб турамыз, ундаги илмга чанқоқлик, ёшларга меҳрибонликка ҳавасим келади.

Суратбек Юсупов, қишлоқ хўжалик фанлари доктори, профессор:

– Бўри Салимов қаерда ишласин, ўзидан яхши ном, эътирофга сазовор кашфиётлар қолдирган, ёшларнинг кўнглига йўл топиб ишлаётган таниқли олим. 400дан ортик чет ва маҳаллий илмий нашрларда мақолалар чоп эттирган, 3 та фан доктори, 15 нафар фан номзоди, 30дан ортик магистрлар тайёрлашга бош-қош бўлган олимнинг 2016 йил республика олий таълим тизимидаги нуфузли танловда “Энг яхши педагог тадқиқотчи” номинацияси ғолиби бўлиши барчамизни мамнун қилди. Унинг ҳаёти ёшларга том маънода ибратдир. Профессор шогирдларининг кичик бир ютуғидан ҳам жуда хурсанд бўлар, уларни янгидан янги илмий ютуқлар сари руҳлантиришга интиларди. Унинг мана шу фазилати ҳар канча мактовга лойиқ.

Асадулла Даминов, СамВМИ проректори:

– Устозимнинг жуда кўп хислатлари қатори унинг яна бир жиҳатини алоҳида таъкидлашни истардим. У камрови кенг олим, гоҳ қорақўлчи олимлар, гоҳ тиббиёт билимдонлари, гоҳ биологлар даврасида бўлиб, республикамиз илм-фан ривожига хусусида бахс-мунозарага киришиб кетарди. Бўри Салимов турли илм даргоҳларида ишлаётган профессорлар билан яқин дўст, ҳамкор бўлиб меҳнат қилмоқда. Уни Москва ва бошқа шаҳарлардаги таниқли олимлар ҳам ҳурмат қилади. Очиғи, унинг дуосини олган, маслаҳати билан илмий ишларини ташкил этган кишилар асло кам бўлган эмас.

Шукрулло Қурбонов, СамВМИ доценти:

– Устоз ўзига ҳам талабалару шогирдларига ҳам талабчан олим. У лекцияни шу қадар жонли, эсда қоладиган мисоллар келтириб ўқийдики, беихтиёр мавзуга қизиқиб қоласиз. Бўри Салимовнинг талабчанлиги, билимию вақтини талабалардан аямаслиги эътиборимизни тортган. Устоз беш баҳога ўқиган, илмий семинарларда фаоллик кўрсатган ёшларга алоҳида эътибор қаратар, имтиҳон маҳали тайёрланмасдан жавоб берганларга баҳони бир балл кўтариб қўяр эди. “Ўқиган, изланган, ҳаракат қилган, бунга кадрлаш керак” дерди. Унинг фидойилиги, меҳнатсеварлиги бизни яхши мутахассис бўлишга ундади.

Шавкат Авазимбетов, СамВМИ Нукус филиали кафедра мудири, доцент:

– Илм-фанда ёлғон-яшиқ бўлиши мумкин эмас. Ҳар бир ёзган ишинг аниқ фактларга таянган, тажрибада қайта ва қайта тасдиқланган бўлиши лозим, дерди устоз. Эсимда 2006 йил устоз раҳбарлигидаги диссертациям якунига етиб қолган маҳал матбуотда Қорақалпоғистонда дикрацелиоз чикди, деган хабар эълон қилинди. Домлам “Оббо, бунақа бўлиши мумкин эмасди-ю”, дедилар. Қорақалпоғистонга борай, кўрайлик, билайлик, илмий ишингиз мавзусига оид масала, дедилар ва биз Қорақалпоғистонга бориб бу улкан ҳудуддаги матбуотда назарда тутилган жойларни эринмасдан 3 қарра айланиб ўргандик. Аҳволни атрофлича таҳлил қилдик. Хулоса шу бўлдики, бу маълумот ёлғон экан. Агар биз ўша хабарга таяниб ҳақиқий вазиятни билмаганимизда, илмий ишда нотўғри маълумотга йўл қўйган бўлардик. Домла ана шундай талабчан, узокни кўра оладиган инсон эдилар. Очиғи, мана шундай улкан салоҳиятга эга бўлган олимнинг шогирди эканлигимдан фахрланаман ва шогирдларимга ҳам бунга такрор ва такрор айтиб келяпман.

Жасур Йўлчиев, СамВМИ қўшма факультет декани:

– Устознинг қудратли руҳий кучи бор эди, дуо-си ижобат бўларди. Мана шу мавзунинг ўргангани, кам бўлмайсан, давлат мукофоти оласан, деганди. Не тонгки, шундай бўлди, 2007 йил илмий изланишларим натижа-сида Беруний номли давлат стипендиясини, кейинроқ ветеринария фанлари бўйича фалсафа доктори илмий даражасини олишимга шароит яратди. Устоздан беҳад миннатдор бўлдим. Яқиндагина уни кўргани боргандик. Меҳрли кўзлари билан узоқ тикилиб турган, “Мавзунинг ташлаб қўйманг, атрофлича ўрганинглари, биздан нима ёрдам бўлса, тортинмай айтаверинг”, дея яна оқ йўл тилаганди. Бир пайтлар бизга ош дамлаб берган, қувноқлик билан ҳазил-хузуллар қилган инсоннинг ёрқин чехраси ҳар доим кўз олдимида.

Бундай дил сўзларини ўнлаб, юзлаб келтириш мумкин. Нафақат олимлар, балки республикамизнинг турли чеккаларида меҳнат қилаётган минглаб ветврачлар, Самарқандда талабалик бахтига эришиб, институтнинг ветеринария факультетида таълим олган, шу соҳада кадр топган кишиларнинг барчаси профессор Бўри Салимов ҳақида фақат илиқ гап айтади. Унинг фарзандлари, набиралари бугун устоз айтганларидек эл хизматида, ўзлари севган касбнинг ҳақиқий билимдонларига айланишган.

Яна бир эътиборли жиҳат шундаки, устознинг турмуш ўртоғи Мунавара Салимова ҳам илмли, фариштали инсон. У иккинчи фарзанди туғилгач, оила ташвишларидан ортиб, ўқишни ихтиёр қилди, Бўри Салимовнинг илмга фидойи эканлигидан руҳланиб, аспирантурада таълим олди, номзодлик диссертациясини ҳимоя қилиб, олимпиадалар қаторига қўшилди. Мунавара Салимова узоқ йиллар ВИТИДа самарали фаолият кўрсатиб келди. Айни чоғда онахон зукко ва қизиқувчан набиралар куршовида, уларга илмли бўлиш нафақат фазилат эканлигини, боболари илм-фан ортидан дунёга танилганини бот-бот такрорлаб айтади. Аслида, мана шу ҳолатнинг ўзи ҳам Бўри Салимовнинг нақадар бағридарё, оилапарвар инсон бўлганини ёдга солади. Афсуски, бугун устоз орамизда йўқ. Яқиндагина у 85 ёшни қаршилаган, кексаликка бўй бермасдан институтга келган, айни чоғда таниқли олим даражасига етган профессорлар даврасида ҳазил-мутуйиба билан гурунглашган эди. Бугун дунё

эътироф этган профессор Бўри Салимов номи билан битилган китоблар, рисоалар, илмий мақолалар ветеринария илмию амалиётининг ҳақиқий бойлигига айланиб қолди. Улуғ олимнинг яна бир иқтидорли шогирди, СамВМИ кафедра мудири, доцент Толибжон Тойлоқов шундай дейди: «Устоз мана шу кафедрага раҳбарлик қилган чоғларда мингдан ортиқ гельминтларни йиғиб, қотириб, эринмасдан кичик шиша идишларга жойлаганлар. Бу гельминт намуналари кафедрамизнинг бебаҳо бойлиги бўлиб қолди. Эсимда, ҳар гал домла бирор гельминт ҳақида сўз юритсалар: «Анави идишни олинлар, сизларга паразитнинг ўзини кўрсатай», дерди. Шу тариқа ҳайвон организмда паразитлик қиладиган гельминт талабанинг, тадқиқотчининг кўз ўнгида намоён бўларди. Бундай намуналарни тайёрлашда, гельминтларни ҳайвон организмдан ажратиб олишда эса домлага бошқа ёшлар қатори устознинг садоқатли шогирди, кафедра ассистенти Камолитдин Ўроқов яқиндан қўмаклашган эди.»

Беназир инсон, улуғ олим порлоқ хотираси, давлаткор сўзлари, донолик, зукколик билан айтган илмий мулоҳазалари у яратган китоблару илмий мақолаларни мутолаа қилиш жараёнида иқтидорли тадқиқотчилар фаолиятида такрор ва такрор жонланиши тайин. Бетакрор илмий мактаб яратган бағридарё устознинг барҳаётлиги ҳам ана шунда.

Хожиякбар Отабоев,
ветеринария фанлари бўйича фалсафа доктори

ВЕТЕРИНАРИЯ ФИДОЙИЛАРИ

КАСБИГА САДОҚАТЛИ ИНСОН

Хатирчилик тажрибали ветврач, нашримиз муштарийларидан бири Абдулла Қаршиевнинг институтни битириб, ўз меҳнат фаолиятини бошлаганига 38 йилдан ошди, ёши эса 60 га етди. Уни аввал ҳамкасблари, шогирдлари табриклашди, сизга кўз тегмасин устоз, дейишди. Эл хизматида юрган ветврачнинг телефони шу кунинг тинимсиз жиринглади, республикамизнинг турли чеккаларидан табриклар айтилди. Чунки Абдулла ака самимий инсон, одамлардан ёрдамини аямайди.

– Вактнинг ўтишини қаранг, бирпасда 38 йил ўтди-кетди. Шу орада ўнлаб устозлардан ветеринария сирларини ўргандим, ўзим ҳам юзлаб ёшларни ветеринарияга қизиқтириб, турли ишларга жойладим. Кимдир фермада ишляпти, яна кимдир ветдорихона очган, иқтидорли йигитлар эса илм билан шуғулланмоқда, давлат идораларида меҳнат қилишмоқда. Кўча-кўйда “устоз яхшимисиз, саломатмисиз”, деб тагин бир пиёла чойга айтадиган одамларни кўрганда ич-ичимдан қувониб кетаман, – дейди Абдулла Қаршиев.

Абдулла Қаршиев 2017 йилда пойтахтимизда ўтказилган “Олтин тулпор” республика танловида “Йилнинг энг яхши ветеринария врач” номинацияси ғолиби – “Олтин тулпор” мукофоти билан тақдирланган. Бунинг эшитиб хатирчиликлар беҳад мамнун бўлди. Энг муносиб номзод мукофотланди, дейишди. Камтарин фаолияти юксак тақдирланганидан қувонган Абдулла ака Хатирчига қайтгач, элга ош берган эди. Не ажабки, ўшанда унга 60 ёшини кўчган ҳам мана шундай қувониб юринг дейишганди. Шундай бўлди ҳам.



Абдулла Қаршиев (ўртада) ҳамкасблари билан.

Хатирчи туман ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш бўлими бошлиғи Шокир Тўраевнинг эътирофи эътиборига, Абдулла Қаршиев ўз касбини пухта ўзлаштириб олган мутахассислардан бири ва у ўзига юклатилган вазифани доимо сидқидилдан бажариб келмоқда. Шунинг учун жамоада ҳурмат билан тилга олишади, устоз, дея эъзозлашади. Биз ҳам Абдулла бобони қўнғироқ қилиб қутладик, саксондан сакраб, тўқсонга тўқнашиб, юз билан юзлашиб юринг, дедик. Ўзининг олқишини олган инсоннинг ризқини эса Аллоҳнинг ўзи беради.

Сирожиiddин Алиқулов

ТАДБИРКОРУ ТАШАББУСКОР ВЕТВРАЧ

Шахрихонлик ветврач акамик Карим Набиев 60 ёшни қаршилади. Отасию бобоси ветврачликни ардоқлаб, эл орасида кадр топган акамикнинг хонадонига шу куни узоқ яқиндан дўстлару шогирдлар келишди. Дастурхонни безатишга Шоирахон янгамиз, меҳмонларни кутиб олишга Карим аканинг ўзи бош-қош бўлишди. Отасининг маслаҳати билан иккита сутни қайта иш-



лаш қорхонасини ташкил этиб, икки юз нафарга яқин шахрихонлик ёшларни доимий иш ўрни билан таъминлаган, Шахрихоннинг бойвачча йигитларидан бирига айланиб улгурган Нодирбек ҳам, ота касбини эъзозлаб, ветврачлик қилаётган Улуғбек ҳам, ўзи танлаган касбда кадр топаётган Ойбекжон ҳам ўша куни елиб-югуриб хизматда бўлишди. “Фарзандларинг ота-онасига меҳрибону топарман-тутарман бўлишса яхши экан-да”, дейишди қишлоқ оқсоқоллари. Дарвоқе, Карим ака ўзининг олти-миш ёшга кириши муносабати билан ўтказилган тўйга икки нафар неварасининг боболарию момоларини ҳам таклиф этди. Қуда-андалар дастлаб Карим акани, сўнг эътибору ҳурматдан юзларида қувонч балқитган жажжи болақайларни қутлашди. Хофиз йигитнинг ветврачлар меҳнатига бағишлаб қўшиқ айтгани барчани севинтирди. Чунки Карим ака ветврачликка отасининг ортидан юриб қизиққан, бобосининг ҳам ветврач бўлганини билгач, шу касбни пухта эгаллашга интилди. Институтни битиргач, “олий маълумотли бўлсам, менга тузукроқ иш беринглар”, деб қалондимоголик қилмади, устозлари нима иш буюрса қўлини қўксига қўйиб бажариб кетаверди. Шу тариқа у дастлаб ветлабораторияда ҳурмат топди. Йиллар ўтиб, хусусий ветеринария клиникасини ташкил этди, Шахрихонда биринчи бўлиб қорамолларни текширадиган УЗИ апаратыни олиб келди. Тез ва сифатли ветеринария хизмати қўрсатишни қўзлаб, дастлаб битта, сўнг бир нечта автомашиналар сотиб олди. Андижонда ҳалол меҳнат ортидан ветврачлар орасида биринчи “Ласетти”ни олган ҳам ана шу акамик бўлади. Қайсидир йили шахрихонлик “Расул-Д” фермер хўжалигинининг раҳбари ветврачнинг эшигига илтимос билан келди. Гап шундаки, бу фермер Мингбулоқдаги “Уҳуд” хўжалигидан

100 бош зотдор сигир харид қилган, пулнинг ҳаммасини тўлаб юбориб, молни олиб кетай деса, сигирлар ўрнидан туролмабди. Қараса, сигирларнинг туёғи йиринглаб кетибди. Расулбой молларни бир қанча мутахассисга қўрсатган, фойдаси йўқ, дейишибди. У ёқдан бу ёқдан суриштирса, бунинг давосини Набиев билади, дейишган. Хуллас, Карим Набиев икки нафар шогирди билан ўн кун “Уҳуд”да қолиб кетди. Сигирлар ўрнидан турди, фермер ветврачларни хизматига яраша муқофотлади ҳам.

Ўтган йиллар ичида Карим Набиев ветучастка мудири, туман ветеринария бўлимининг бошлиғи сингари масъулиятли лавозимларда меҳнат қилди. Айни чоғда ўзи бир пайтлар оддий мутахассис сифатида иш бошлаган туман ҳайвонлар касалликлари ташхиси ва озик-овқат маҳсулотлари хавфсизлиги маркази директори, ёшларнинг меҳрибон мураббийи. Ўғлига қарашли сутни қайта ишлаш заводларида ҳам бош маслаҳатчи. Чунки ота дуосидан улуғ қудрат йўқ-да дунёда. Нодирбек буни яхши билади ва ҳар гал янги ишга қўл урганда отасидан, асли касби ўқитувчилик бўлган меҳрибон онаси Шоира опадан маслаҳат сўрайди. Оқ йўл беринглар, дейди.

– Меҳнат қилишдан, изланишдан эринмаслик лозим, – дейди Карим Набиев. – Жисмоний иш одамни қаритмайди, соғлом бўлишини таъминлайди. Ана шу сабабли ҳам ветеринариянинг янада тарақий этиши учун астойдил ҳаракат қиляпмиз. Аслида бугун соҳанинг кадр-қиммати ошиб бораётган экан, қўмита раҳбарига, бошқарма бошлиқларига ҳар қанча раҳмат айтсак оз. Қўмита раисининг ҳар бир топшириғи, қўрсатмаси тизимдаги муаммоларни бартараф этишга имкон яратмоқда. Шунингдек, тизимда иш юритиш тамойили йилдан-йилга такомиллашиб бормоқда. Иқтидорли ёшларни соҳамизга қўпроқ қизиқтирсак, билимдон мутахассислар янада кўпайса, шунинг ўзи катта муваффақиятдир.

Эл орасида Карим ветврач дея эъзоз топган акамикни яна бир қарра қутлуғ кун билан муборакбод этдик, шижо-ату саломатлик тиладик.

Сардорбек



META-STABIZAL

Metastabizal preparati it va mushuklarni immunoglobulin oshirish uchun og'ir, tan osti, mushak ichiga va tashqi foydalanish uchun enima shaklida chiqariladi.

Metastabizal tarkibida immunoglobulinlar (IgG, IgM, IgA, IgE), o'simlik omillar (IGF 1, TGF α , TGF β va EGF, immunoregulyatorlar - lizozim, laktoferrin, kolostinin, sfinktolin (interleukinlar, interferon, limfokinlar), vitaminlar, mineral-lar, aminokislotalar, probiotiklar va fermentlar mavjud.

PREPARAT TARKIBI:

1 ml 3,0% enima quyidagilarni o'z ichiga oladi: 30,0 mg protein; 1 ml gacha - in'ektsiya uchun suv.

FARMAKOLOGIK XUSUSIYATLARI

Metastabizal - muvakkab dori va juda ko'p biologik faollikka ega - u organizmdagi barcha metabolik jarayonlarni (oqsillar, yog'lar, uglevodlar almashinuvi) to'g'rilashda ishtirok etadi, organizmning turli xil etiologyga kasalliklarga va atrof-muhitning noqulay omillarga xos bo'lmagan qarshiligini oshiradi. Yallig'lanish va o'smaga qarshi ta'sirga ega, antitoksikant, zararlangan to'qimalarning tiklanishini tezlashtiradi, ionik xususiyatlariga ega. Bu qon yaratilishiga (barcha gemopoetik mikroblarning proliferatsiya va differentsiatsiyasi) va immunitet tanqisligi holatlarida immunitetni tiklashga stimulyatsion ta'sir ko'rsatadi. Metastabizal antivirus, antibakterial ta'sirga ega, ichak mikroflorasini yaxshilaydi, shuningdek mono va polivalent vaktsinalarning bardoshligi va samaradorligini oshiradi. Metastabizaldan foydalan-

ganda hayvonlarda kasallanish va o'lim kamayadi, xavfsizlik kuchayadi, tink vazn oshadi, ozuqa karajattan pasayadi. Dori vositasidan foydalangandan so'ng, hayvonlarning ishtahasi oshadi, hayotiyati va o'sishi, og'ir jismoniy zo'rqlash paytida, yuqori haroratlarda va quyosh nurlanishida ularning qobiliyatlari oshadi. Metastabizal mahalliy bezovta qiluvchi, sezgirluvchi, leralogen, embriotoksik, mutagen va kancerogen ta'sirga ega emas, kumulativ xususiyatlariga ega emas.

FOYDALANISH UCHUN KO'RSATMALAR

- oshqozon-ichak kasalliklari;
- nafas olish yo'llari kasalliklari;
- radiatsiya ta'sir qilishning oldini olish va davolash sifatida;
- sydyik - jins tizimi kasalliklari;
- lenning shikastlanishi;
- o'simlik va qon kasalliklari;
- metabolik kasalliklar;
- markaziy va vegetativ asab tizimi faoliyatini rag'batlantirish;
- zaiflashgan hayvonlarda yuqumli va invaziv kasalliklarga chalinganlarda organizmning tabiiy qarshiligini oshiradi;
- yosh hayvonlarning hayotiyatini, o'sishi va rivoqlanishini rag'batlantiradi;
- shikastlanganda va operatsiyadan keyingi davrda organlar va to'qimalarning tiklanishini rag'batlantiradi;
- jinsiy faoliyatni, reproduktiv funksiyani rag'batlantirish uchun ginekologik kasalliklarni, nar va moda hayvonlar bepushligini davolash va oldini olish.

QO'llASH USULI VA DOZASI

Metastabizal peroral va tashqi foydalanish uchun 3,0% enima shaklida a va mushuklarning turli xil etiologyga kasalliklarni oldini olish va davolash uchun buyuriladi.

Metastabizal ichiladi, tan ostiga yoki mushak ichiga kiribiladi yoki tashqidan - petologik zonalariga surish uchun jadvolda ko'rsatilgan bitta dozada 5-10 kun davomida ishlatiladi.

Homiladorlik paytida buyuriladi - preparatni tug'ruqdan bir hafta oldin tayinlash va tug'ruqdan keyingi profilaktik va tuziluvchi terapyani amalga oshirish. Onaning tanasi va homilasida (agar kerak bo'lsa) tug'ruqdan keyingi asoratlarning oldini olishga olib keladi (tanalar, onalar pareziyasi) va tiklanish jarayonlarini yaxshilaydi. Agar kerak bo'lsa, lakroniy davolash kursu 5-10 kunlik interval bilan amalga oshiriladi.

NOLO'YA TA'SIRI

Nolo'ya ta'sirlar va asoratlari, odatda kuzatilmaydi. Qo'llash mumkin bo'lmagan holatlar.

Metastabizalni qo'llashga qarshi ko'rsatma bu hayvonlar va qushlarning preparat tarkibidagi qismlarga nisbatan yuqori sezuvchanligi.

SAQLASH SHARTLARI

Metastabizalni saqlash, quruq, qorong'u xonada +5°C dan +25°C gacha haroratlarda saqlang. Botalar qo'llari yelmaydigan joyda saqlang. Muzlatmang! Preparatning yaroqlik muddali ishlab chiqarilgan kundan boshlab ikki yil. Sheharni ochgandan keyin, preparatni 1 kun ichida ishlatish kerak.